



FARG'ONA VILOYATI RISHTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 18 - noyabr

408-11-158-Q/22

Rishton tumani hokimligi

Риштон туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конунининг 6-моддасига асосан Риштон тумани худудидаги дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Туман ҳокими ўринбосари (Н.Орипов):

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қабристонларни зарур даражада сақлаш ва ободонлаштириш ҳамда ҳашарлар, хотирлаш кунлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

санитария қоидалари ва меъёrlарига қатъиян риоя этган ҳолда қабристонларни очиш ва ёпишда қонунийликни таъминласин, қабристонлар ташкил этиш учун ер участкаси ажратишни ер тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширсин.

3. Туман Ободонлаштириш бошқармаси ҳамда қабристонларнинг маъмурияти:

хизматлар учун қатъиян белгиланган тарифлар бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда фуқароларнинг қабристонда кўрсатиладиган хизматларга доир

буортмаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

қабристонларда бюстлар, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ёки алоҳида архитектура шаклига эга бўлган иншоотларни ўрнатиш, обьектларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор “Риштон хақиқати” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Орипов зиммасига юклансин.

Tuman hokimi



С.Солиев

Rishton tuman hokimining
2022 yil 18 noyabrdagi
408-11-158-Q/22-son qaroriga
1-ilova

**Риштон туманиндағы қабристонларда дағн әтиш хизматларини күрсатиши
бүйича тарифлар міндері (базавий ҳисоблаш міндері ҳисобида)**

сұм

Тұр	Хизмат тури	Үлчов бирлиги	Туманлар
1.	Гүр қазиши 12 ёшдан юқори	1 ўринга	БХМ 50 фоизи
2.	Гүр қазиши 3-12 ёшгача	1 ўринга	БХМ 40 фоизи
3.	Гүр қазиши 3 ёшгача	1 ўринга	Бепул
4.	Тегишли диний конфессия қабристонида вафот этган яқинлари ва қариндошларини дағн әтиш учун участка олиш	1 ўринга	бепул
5.	Маросим хизматларидан фойдаланиш	1 кунга	бепул
6.	Қабрга ва қабр усти ёдгорликларига қараш учун қабристон анжомларидан фойдаланиш	1 ўрин/кунга	бепул